

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТАХУНОВ ЁРҚИН АБДУРАИМЖАНОВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ФИЗИКА ФАНИНИ**  
**ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ**  
**ЭТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Маматахунов Ёркин Абдураимжанович**

Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитишда мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш методларини такомиллаштириш ..... 3

**Маматахунов Ёркин Абдураимжанович**

Совершенствование методов организации процессов самообразования в преподавании физики в средних общеобразовательных школах..... 23

**Mamatakhunov Yorkin Abduraimjanovich**

Teaching physics in general educational schools improving the methods of organizing independent educational processes ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 48

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТАХУНОВ ЁРҚИН АБДУРАИМЖАНОВИЧ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ФИЗИКА ФАНИНИ**  
**ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ**  
**ЭТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Ped970 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зайнабидинов Сирожиддин Зайнабидинович**  
физика-математика фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Курбонов Мирзаахмад**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Болтаева Мухайё Лутфуллаевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “9” сентябрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81, факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 609 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2021 йил “26” ноябрь кuni тарқатилди.  
(2021 йил “26” ноябрь даги 8 - рақамли реестр баённомаси).

*Чед*

**Т.Файзуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Ш.К.Хўжамбердиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**К.М.Боймирзаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, г.ф.д., (DSc), доцент



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим муассасаларида физика фанларини ўқитишнинг интегратив принципларини жорий этиш, янги ва таълим бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш орқали ёшларнинг физика таълими билан қамраб олиш даражасини ошириш катта аҳамият касб этмоқда. Физика фани ва ишлаб чиқариш интеграцияси механизмларини ривожлантириш, уни амалиётга жорий этиш, мустақил таълим олишни индивидуаллаштириш ҳамда масофавий таълим тизими воситалари, технологияларини ишлаб чиқиш, замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дастурлар тузиш муҳимдир. Шу жиҳатдан физика соҳасидаги тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, физика фани тармоқларидаги муаммолар ечимига қаратилган самарали усулларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясини шакллантириш орқали мустақил таълим олиш компетентлигини ривожлантиришни тақозо этади.

Дунё миқёсида таълим муассасаларида физика фанини ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини жорий қилиш, иқтидорли ўқувчиларни саралаш, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда амалий натижадорликка йўналтиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада электрон қўлланма ва виртуал лабораторияларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш технологиясини такомиллаштириш, рефлексив ёндашув асосида ўқувчиларнинг мустақил таълим жараёнини бошқаришнинг инновацион моделини лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда физика фанини ўқитишнинг илмий методик асосларини такомиллаштириш, мустақил таълим жараёнида замонавий ўқитиш техника воситалари ва усулларида фойдаланишда инновацион ёндашувга эришиш каби тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда. “Физика йўналишида илмий изланишлар қўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга ошириш”<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Бу борада физика фани бўйича замонавий дарсликларни яратиш, ўқув адабиётларининг мазмуни, фан ва техника тараққиётининг бугунги даражасини қамраб олиши, масалалар тўплами, лаборатория ишларини бажариш бўйича қўлланмалар, мультимедиа дастурларини яратишни тақозо этади. Таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, илмий ташкилотларнинг салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишни тақозо этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 апрелдаги ПФ-5712 сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108 сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032 сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467-сон “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2020 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сон “Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятларини ташкил қилишни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари Б.М.Мирзахмедов, М.Джораев, Б.Э.Турдиев, Н.Турдиев, Э.Б.Хужанов, К.Турсунметов, Ю.Махмудов, Ю.Пулатов, У.Бегимқулов, М.Болтаеваларнинг илмий изланишларида физика фани бўйича мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг ўрни ва аҳамияти масалалари ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида эса П.И.Пидкасистый, И.С.Якиманская, Ю.К.Бабанский, В.А.Крутецкий, С.Л.Рубинштейн, А.В.Усова, В.Г.Разумовский, М.В.Кларин, В.К.Буряк, Х.Р.Цеков ва бошқалар томонидан мустақил ишларнинг ўқув самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик ўйинлар технологияси, ўқувчининг ўзини ўзи ривожлантириш ва тарбиялаш масалалари ўрганилган.

Хорижий давлатларда К.Юути, D.Si, D.Muller, S.Sales, C.R.Rogers, I.E.Unt, S.D. Freyman каби олимлар ўқувчиларнинг индивидуаллаштириш ва фарқлаш, экспериментал кўникмаларини шакллантириш муаммолари билан таълимнинг дидактик асосларини тадқиқ этиш, мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича ва таълим жараёнини фаоллаштириш муаммолари бўйича изланишлар олиб борганлар.

Бирок, илмий таҳлиллар умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитишда ўқувчиларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, ўқувчиларда физика фанидан мустақил таълим олиш жараёнларини шакллантириш ва ривожлантиришда мустақил таълим мазмуни ва методикасини назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ ИТД А-1-26 “Узлуксиз таълим тизимида физика ўқитишни эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчаларни шакллантириш асосида такомиллаштириш ва унга оид услубий қўлланма тайёрлаш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг физика фанидан индивидуал мустақил таълим олиш жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларининг физика фанини мустақил ўзлаштириш жараёнларининг амалий компонентларини аниқлаштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун физика фанидан мустақил ишлашга доир электрон ишланмаларни такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг физика фанидан мустақил билим олишларига кўмаклашувчи методик таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил таълим олишини ташкил этиш ва уларнинг физика, электроника соҳасидаги иқтидорини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўқувчиларнинг физика фани бўйича мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, усул ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, анкета, тест-сўровлари ўтказиш, педагогик тажриба-синов, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

физика фанидан индивидуал мустақил таълим олишнинг дидактик имкониятлари тайёр намуна асосида ўқувчилар ўзлаштирган билимларни “кўчириб ўтказиш”, ўрганилган объектларнинг турли хусусиятлари ҳақидаги ахборотларни қайта намоён қилишга доир репродуктив, индуктив ва

дедуктив хулосалар чиқарувчи продуктив фаолият жараёнларини фаразли-муқобил фикрлашни шакллантиришга ёрдам берувчи дидактик талаблар билан уйғунлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

физикадан мустақил ишларни ўтказишда ахборот технологияларини қўллаш жараёнлари қайта тузиш - вариатив, эвристик, ижодий ҳамда компьютерли моделлар билан ишлашнинг оммавий, гуруҳий, индивидуал иш шакллари бажариш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуаллигини қўллаб-қувватлаш, виртуал лаборатория орқали тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришнинг дидактик мослашувчан механизмини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ўқув хариталари асосида дарслик билан ишлаш, тажриба ўтказиш жараёнини қўллаб-қувватлаш, табиий объектлар билан ишлаш каби психофизиологик ўзига хосликларини ҳисобга олиш асосида визуал материаллар билан ишлашга доир электрон турдаги чизма-тасвирий моделларни ассоциатив тасавурларни кенгайтириш жараёнига босқичма-босқич қўллаш орқали такомиллаштирилган;

физикадан ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг дидактик таъминоти лаборатория, такрорлаш дарслари ва дарсдан ташқари жараёнда самарали қўллаш имконини берувчи кузатиш, расм асосида баён ёзиш, диалог ёзиш, полилог тузиш, ролли ва ишбоп ўйин, жуфтлик, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳа, мунозара, тренинг каби интерфаол технологияларни виртуал таълим билан интегративлик даражасини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўқувчиларнинг физика фани бўйича мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакалари шакллантирилган;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун мўлжалланган “Яримўтказгичли диодлар” номли физика тажрибаларининг виртуал моделлари такомиллаштирилган;

“Физика бўйича Нобель мукофоти соҳиблари” номли электрон қўлланма яратилган;

“Бутун олам тортишиш қонунини ўрганиш” номли виртуал лабораториянинг электрон ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тайёрланган виртуал модел ва лаборатория иши, электрон қўлланманинг ўқув амалиётга жорий қилинганлиги, индивидуал ва рефлексив ёндашувлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал ва рефлексив



ёндашувлар асосида мустақил фикрлаш ва мустақил ишлай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган дидактик ўйинлар, бошқотирмалардан фойдаланиш усуллари аниқланганлиги, физика фанининг ёзма ва оғзаки тил имкониятларининг педагогик-контент интеграцияси орқали “Физикавий лингвистика”, “Физик диктант” ўйинларининг модернизацияланган механизми, шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси тамойилларига асосланган физика кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида физиканинг “Яримўтказгичли асбоблар (диод, транзисторлар) ва уларнинг техникада қўлланиши” мавзусини ўқитиш учун “Яримўтказгичли диодлар” тажрибасининг виртуал модели ва “Бутун олам тортишиш қонуни” номли виртуал лаборатория иши тайёрланган ҳамда тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тажрибаларни ўқувчилар амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилувчи илмий-амалий тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитишда мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш методларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал ва рефлексив ёндашувлар асосида мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган интеллектуал ўйинлар, бошқотирмалардан фойдаланиш усуллари ва шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси тамойилларига асосланган физика кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш технологияларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Ausbildung und Arbeit Plus GmbH” таълимни ривожлантириш маркази томонидан фойдаланилган (Ausbildung und Arbeit Plus GmbH Германия таълимни ривожлантириш марказининг 2020 йил 20 июлдаги 29.28207-сон маълумотномаси). Натижада индивидуал ва рефлексив ёндашувлар асосида мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган интеллектуал ўйинлар, бошқотирмалардан фойдаланиш усуларидан ўқувчиларнинг физика фани бўйича билимларини ўзлаштириш даражасининг оширилишига эришилган;

умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал ва рефлексив ёндашувлар асосида мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган дидактик ўйинлар ва бошқотирмалардан фойдаланиш усуллари аниқланган ва такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Физикавий лингвистика”, “Физик диктант” ўйинларининг модернизацияланган механизминини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 6 апрелдаги 1/11-02/02-388-сон маълумотномаси). Натижада индивидуал ва рефлексив

ёндашувлар асосида мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган дидактик ўйинлар, бошқотирмалардан фойдаланиш усуларидан ўқувчиларнинг физика фани бўйича билимларини ўзлаштириш даражасининг оширилишига эришилган;

яримўтказгичли асбоблар (диод, транзистор) ва уларнинг техникада қўлланиши мавзуси учун “Яримўтказгичли диодлар” виртуал модели, Бутун олам тортишиш қонуни мавзуси учун “Бутун олам тортишиш қонуни” виртуал лабораторияси, синфлар бўйича ҳар бир боб якунида мустақил таълимни ташкил этиш орқали илмий билишга қизиқтириш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришда қўшимча фойдаланиш учун “Нобель мукофоти соҳиблари” номли электрон ўқув қўлланма ва дастурлардан ҳамда Visual Basic-6.0 дастурида “Ёруғлик интерференцияси ва дифракцияси” мавзусини мустақил ўрганишнинг динамик хусусиятларини ахборот комуникацион воситалар интеграцияси ва концептуал тавсиялар асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИТД А-1-26 рақамли “Узлуксиз таълим тизимида физика ўқитишни эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчаларни шакллантириш асосида такомиллаштириш ва унга оид услубий қўлланма тайёрлаш” (2015-2017 йй.) илмий-амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-281-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида масофавий таълим олиш ва мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг янада ривожланишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари бўйича асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шулардан, 2 та республика миқёсидаги ва 1 та хорижий журналларда, 3 та Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси ҳамда 1 та услубий қўлланма чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий, услубий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқотни

амалга ошириш босқичлари ҳамда тадқиқот натижаларини педагогик тажриба-синовдан ўтказиш, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг физикадан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишнинг педагогик–психологик асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитишнинг асосий вазифалари, ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Ўз вақтида ва тўғри шакллантирилган билиш фаолияти ўқувчиларнинг таълим олишдаги муваффақиятларини таъминловчи шартлардан бири бўлиши лозимлиги. Ўқувчилар ўқув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг турлича жиҳатлари таниқли педагог ва психологларнинг ишларида, илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, Ватанимиз олимларидан, С.Махмудова, У.Бегимқулов, Ю.Махмудов, Б.Мирзахмедов, М.Джораев, Н.Турдиевларнинг ишларида ўқувчиларда амалий кўникмани шакллантириш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Ю.К.Бабанский, Я.И.Груденов, Л.Кабанова, Е.Н.Меллер, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубенштейн, Н.Ф.Талызина, Г.И.Щукина, В.В.Давыдов, И.С.Якиманская, М.Г.Давлетшин, М.Мавлонов каби психолог олимлар ўз илмий тадқиқотларида инсон фаолиятининг турли жиҳатларини тадқиқ қилишган. У.Д.Рейтман бундан ярим аср олдин таассуф билан шундай деб ёзган эди: “Мустақил ўқув фаолияти назарияси фанда узок йиллардан буён ўрганилаётганига қарамай, ҳалигача ҳамма тан олган умумий таъриф мавжуд эмас”. Тадқиқот мустақил ўқув фаолиятининг тўлиқ тадқиқ этилмаган жиҳатларини ҳисобга олиб, ушбу бобда “мустақил ўқув фаолияти” тушунчалари дидактик ва методик таҳлил этилди.

Ўқувчиларнинг машғулот давомидаги ўқув фаолиятини мустақил иш билан уйғунлашуви керак. Машғулот самараси янги материални баён қилиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг топшириқларни олиш ва уни мустақил ҳал қилиш фаолиятига боғлиқ экан. Мустақил ишлар машғулотлардан сўнг давом эттирилиши билан ҳам диққатга сазовордир. Мактаб ўқувчиларнинг физикадан мустақил фаолиятни шакллантириш машғулоти жараёнида ва машғулотдан ташқари бажариладиган ишларда амалга оширилади. Ушбу ҳол таълим тизимининг узлуксизлигини кўрсатади. Ўқувчиларни чуқур билим олишларида мустақил ишлар аҳамиятли эканлиги тажриба-синовларни ўтказиш жараёнида яна бир бор ўз исботини топди.

Илмий-педагогик, психологик адабиётларда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, мустақил ишлай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш муаммоси, умумий ўрта таълим мактабларида физикадан ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг аҳволи, умумий ўрта таълим мактабларида мустақил таълимнинг мазмуни, уни ташкил қилиш шакллари ва турлари, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил ўқув фаолиятларини ташкил қилишда педагогик ва замонавий ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти. Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил ўқув

фаолиятларини ташкил қилишда педагогик ва замонавий ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти баён этилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг физикадан мустақил таълим фаолиятларини ташкил этиш ва ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий услублари келтирилган. Унга кўра қуйидаги ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш амалий тавсиялар берилди:

физика курсини ўқитишда мактаб ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари ва усуллари аниқланди ҳамда амалиётга тавсиялар берилди;

мактаб ўқувчилар мустақил фаолиятини шакллантириш ва йўналтиришга қаратилган намунавий дарсларнинг сценарийлари яратилди ва амалиётга жорий этилди;

мустақил ишларни ташкил этишда замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди ва уни амалда қўллаш бўйича зарур тавсиялар берилди;

мактаб ўқувчиларнинг физикага бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда мустақил фаолиятларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида дидактик ўйинлар ва бошқотирмалардан фойдаланиш йўллари ва усуллари аниқланди ва зарур тавсиялар берилди.

Дидактик ўйинлардан физика ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг умумий масалалари, илмий методик адабиётларда анча кенг ёритилган бўлса ҳам уларда асосий эътибор масалалар ечиш ва қонунларга қаратилган. Ваҳоланки, физика фанини ўзлаштириш ўқувчиларига анча қийинчилик туғдириши ва унинг баъзи масалаларини ечишда ноанъанавий ёндашувлар талаб этилиши табиийдир. Бунинг бир қатор илмий-назарий, методик ва дидактик сабаблари борки, улардан ҳар қандай маҳоратли физика ўқитувчиси кўз юма олмайди. Шунинг учун физика фанини ўқитишда, замонавий педагогик технология ва ноанъанавий усул ва шакллардан фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, дидактик ўйинлар ўқувчиларининг мустақил фикрлаш, топқирлик, изланувчанлик, ҳозиржавоблик, мантикий хулосалар чиқара олиш, ўз устида ишлаш маълум ва номаълум жиҳатларни солиштира олиш, мавжуд билимларга таяниб мушоҳада юритиш каби имкониятларни ишга солишда ёрдам беради.

Физик сўзлардан ташкил топган домино ўйинида ўқитувчи биринчи сўзни айтиб доскага ёзади, охириги ҳарфидан кейинги сўз билан давом эттирилади.

*«Физикавий лингвистика» ўйини.* Тил қонунлари, нутқ жилвалари билан лингвистика шуғулланади. Физика тили жуда бой, унинг имкониятларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга катта хизмат қилиши мумкин. Турли физик катталиклар, қонунлар, birlikлар билан боғлиқ бошқотирмалар ўқувчиларини сўзамолликка, топқирликка ва ҳозиржавобликка ўрганади. Бу тадбир ҳам, энг аввало, уларни мустақил

ишлашга қўшимча билим олишга, физика фанининг ёзма ва оғзаки тил имкониятларидан фойдаланишга ундайди.

Физика бўйича ўтказилган дарс ва дарсдан ташқари олинган назарий билимларни мустақамлашда, таълим самарадорлигини оширишда юқорида кўрсатилган дидактик ўйинлардан намойишли тажриба ишларини бажаришда ва масалалар ечишда, амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришда муҳим омил бўлиб, мавзунини тушунтиришда ўқитувчиларнинг фаолиятини осонлаштириши, билим даражасини орттириши, ўқув жараёнини жадаллаштиришга имкон бериши асосланган.


Физик кечалар, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш фаолиятида муҳим роль ўйнайди, чунки ўқувчилар, ўқитувчи раҳбарлигида ижодий изланишлар, турли адабиётлар ўқийдилар, уларда топқирлик, ташаббускорлик, ҳозиржавоблик, ижодий меҳнат қилиш, жамоа билан мустақил ишлаш каби психологик ва педагогик ривожланиб боради. Биз ўз тажрибамизда ва тадқиқот жараёнида ташкил этган қуйидаги қизиқарли физик кечаларни мисол тарзида келтирамиз. Бу тадбирлар маълум боблар, курслар, қонунларга бағишланиб ўтказилади.

Мақтабларда физикадан синфдан ташқари ишларнинг ичида фанлараро боғланиш хусусиятига эга бўлган “Қизиқарли физика кечалари” ўқувчиларнинг ўзига тортган энг қизиқарли ижодий характерга эга бўлганларидан бири ҳисобланади. Чунки у изланувчанлик, ижодийлик, меҳнатсеварлик, артистлик, зукколик, нутқи раволик каби хислатларни ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, яққа ва жамоа тартибда меҳнат қилишлик, оғзаки ёдлаш, китоб ўқиш хусусиятларни ўқувчиларда шакллантиради. Айниқса, фанлараро боғланишга бағишланган кечаларга бир вақтнинг ўзида бир неча фанларнинг ўрганишга, ягона дунёқарашга йўналтиради.

Мақтаб амалиётида “Физика ва математика”, “Физика ва астронавтика”, “Физика ва космос”, “Физика ва кимё”, “Физика турмушда”, “Физика ишлаб чиқаришда” каби тематик мавзуларда ўтказилиб илғор тажрибали физика ўқитувчилари ўқув-тарбия ишларида юқори самарадорликка эришмоқдалар.

11-синф физика дарслигида келтирилган “Ёруғлик интерференцияси ва дифракцияси” мавзуси бўйича берилган лаборатория иши ва назарий маълумотларини компьютерларнинг имкониятлари орқали бажариш, ўқувчилар томонидан кўрсатилаётган муаммоларни бартараф қилишга ёрдам беради. Турли хил илмий-оммабоп адабиётларга мурожаат қилишда кўпинча китоблардан энг муҳимларини топа олмасликлари, материалларни таққослаш, таснифлаш ва тизимлаштиришга қодир эмасликларини кўрсатишади. Физика дарсларида мустақил ишнинг етарли даражада ташкил этилмаслиги ўқувчиларда мустақил фикрлашнинг суст ривожланишига олиб келади. Масалан, дифракцион панжара ёрдамида ёруғликнинг тўлқин узунлигини аниқлаш лаборатория дарсида компьютер технологияси орқали мавзунини ўқитиш учун қуйидагича усулларни тавсия этиш мумкин. Visual Basic-6.0 да дастур тузиш орқали лаборатория ишини бажаришда

Ўқувчиларни мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириши мумкин. Дастурнинг алоҳида аҳамияти шундаки, уни бир неча марта ишлатиш, физик жараёнларни кузатиш ва ўрганиш мумкин. Дастурни ишга туширганда дисплей қуйидаги шаклни олади (1-расмга қаранг).




1-расм. Ёруғликнинг тўлқин хоссалари кўрсатилган экран

У “Дисперсия”, “Интерференция”, “Тирқишда диффракция” ва “Диффракцион панжара”ни, шунингдек “Анимация” ва “Ёрдам” тугмачаларини ва танлаш тугмачаларини тасвирлайдиган учта ойнадан иборат. Агар биз ушбу тугмачалардан бирини танласак ва “Анимация” тугмасини боссак, унда бу тажриба экранда намойиш этилади. “Ёрдам” тугмачасини босиб, сиз ушбу жараён ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Бундай дастурларни тузиш, оддий кўз билан илғай олинмаган физик ходисани кўриш, жараённи такрорлаш, тарқатиш ва ўқув жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил ишлай олишга ва табиий фанларга қизиқишини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Физика ўқув жараёнларида ўқувчиларнинг индивидуал ва рефлексив ёндашувлар асосида мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришни ўзида акс эттирган мураккаб хусусиятларни тушунамиз. Юқоридагилар асосида биз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида физикани ўрганиш жараёнида мустақил таълим фаолиятини ташкил қилишнинг таркибий-функционал моделини тақдим этдик (2-расмга қаранг).

Ўқувчиларнинг мустақил таълим фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилади, яъни мустақил таълим олишдан барқарор мустақил таълим (ижодкорлик, хулоса қилиш, анализ қилиш, ишлаш ва ҳ.к.)га ўтиш фаоллигини таъминлайди. Ушбу жараённинг асоси ўқувчилар ўз олдига мақсадлар қўйиш, таълим жараёнини режалаштириш, маълумотларни назорат қилиш моделини шакллантириш қобилиятига эга бўлган ўқув зиддиятларини моделлаштириш тарзида амалга оширилади. (2-расм)



2-расм. Ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг таркибий-функционал модели.

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари” деб номлаган учинчи бобида педагогик тажриба-синов мақсади, ташкил қилиниши ва мазмуни, ўтказилиш жараёнлари, педагогик тажриба-синов натижалари ҳамда уларнинг

математик-статистик таҳлили баён қилинган.

Тадқиқот иши юзасида олиб борилган илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган ўқув воситаларига асосланган ҳолда, ташкил этилиши ва унинг амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш услублари ва босқичларидан самарали фойдаланиш, ўқув жараёнига технологик ёндашув, педагогик муҳитнинг яратилганлиги, ўзлаштирилганлик кўрсаткичини аниқловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги ва самарадорликни таъминлашга йўналтирилган тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлил этилиши илмий тадқиқотнинг ягона тизим асосида ташкил этилишига замин яратди.

Тадқиқот бўйича тажриба-синов ишлари Андижон шаҳар № 5 умумий ўрта таълим мактабида 2014-2020 йиллар, Андижон шаҳар № 48 умумий ўрта таълим мактабида 2015-2020 йиллар, Бухоро шаҳар № 23 умумий ўрта таълим мактабида 2016-2020 йиллар, Бухоро шаҳар № 40 умумий ўрта таълим мактабида 2017-2020 йиллар, Норин тумани №3 умумий ўрта таълим мактабида 2018-2020 йиллар ва Норин тумани № 5 умумий ўрта таълим мактабида 2018-2020 йиллар давомида олиб борилди.

Педагогик тажриба синов ишлари тадқиқот йўналиши бўйича олти йил давоми (2014-2020 йиллар)да уч босқичда олиб борилди:

- таъкидловчи – 2014-2016 йиллар,
- шакллантирувчи – 2016-2019 йиллар,
- яқунловчи – 2019-2020 йиллар.

Педагогик тажриба-синов ишларида жами 1348 нафар ўқувчилар қатнашди, шунингдек 20 дан ортиқ малакали ўқитувчилар иштирок этдилар.

Биринчи босқичда ўқувчиларнинг физикадан ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш учун кириш ёзма иши ташкил этилди.

Экспериментининг бошида ўқувчилар билан сўровнома ўтказилди.

Сўровномаларни таҳлил қилиш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Сўровнома саволларига берилган жавобларда кўпчилик ўқувчилар физика қийин предмет эканлигини, улар бу мавзунини тушунмасликларини таъкидлайдилар. Аммо шу билан бирга, кўпчилик ўқувчилар физикани тушуниш нимани аниқлашнинг саволга жавоб беришга қийналадилар. Сўровномада қатнашган ўқувчиларнинг ҳеч бири берилган саволларга тўлиқ жавоб бера олишмади.

**1-жадвал**

**Сўровнома таҳлиллари натижалари**

Сараланган мактаблар	Физикани аъло ўзлаштира - диганлар %	Физикани яхши ўзлаштира - диганлар %	Физикани ўрганишда қийинчиликларга дуч келадиганлар -%	Физикани ёмон ўзлаштира - диганлар %
УЎТМ бошида тажриба ва назорат синфлар	9.05	21	47.1	23



Ўтказилган сўровнома саволларининг таҳлиллари асосида, ўқувчиларнинг физика фанини ўрганишдаги қийинчиликлари, уларнинг аксариятини фанга қизиқишни йўқлиги, йўналтирган билимни ўзлаштириш ҳамда тушунишида уларнинг ўқув-услубий фаолияти тўла шакллантирилмагани аниқланди.

Эксперимент давомида таклиф этилган методология экспериментининг натижаларини таққослаш учун назорат синфлари танланди. Ушбу синфларда ўқувчилари физикани қониқарли ҳамда қониқарсиз баҳоларга ўзлаштириб, шунингдек, тажриба синфлардаги ўқувчилар билан таққослаганда дарслар бўйича ҳеч қандай фарқ кузатилмади, синфда ўқувчилар сони камида 26 кишини ташкил этди. Диагностик иш натижалари берилган барча жадвалларда назорат синфлари (синф) ва тажриба синфлар (масалан, синф ёки кўрсатмаларсиз) ажратиб кўрсатилади. Ўқувчиларнинг ўқув ва услубий фаолиятининг асосий воситаси бу уларни ўзлаштириш ва ақлий ҳаракатларни қўллашдир.

Экспериментининг кейинги шакллантирувчи босқичи ақлий ҳаракатларни бажарадиган ўқувчиларнинг фаолиятини тўлиқ бажариш, физик қонунларни, физик ҳодиса ва катталикларни тушунишни, масалаларни ечишни, шунингдек, рефлексив диагностика фаолияти жараёнида ҳаракатларни кетма-кетлигини такрорлашни акс эттиради. Диагностика ишлари давомида ўқувчиларга ақлий ҳаракатлар усуллари тўғрисида онгли билимларини аниқлаш вазифаси таклиф қилинди:

*Аниқлаш таҳлили 1.* Вазифа 1. Ўқитувчининг буйруғи билан жадвални тўлдириш (2-жадвал). Вазифа 2. Биринчи топшириқни бажаришда фойдаланган ақлий операцияларни айтиш? Вазифа 3. Диктантнинг тўғрилигини текшириш, нотўғри жавобларни қалам билан белгилаб қўйиш. Ўзингизнинг ишингизни баҳолаш: хатоларсиз – “5”, 1 - 4 хатолар – “4”, 5 - 8 хатолар – “3”, 8 дан ортиқ хатолар – “2”. Вазифа 4. Жадвални тўлдиришнинг тўғри вариантини тингланг. Агар сиз хато қилсангиз, унда қийинчиликларингизни аниқланг ва айтиб беринг, қийинчиликларингизнинг сабаби нима? Келинг, диктант вариантларидан бирининг матнига мисол келтирайлик. “Тегишли устунга ўқитувчининг буйруғи билан физик ҳодиса ва катталиклар номларини ёзинг: ишқаланиш, суюқлик, босим, куч, паскал, маёқ, вакуум, зичлик, эластиклик, молекула, тезлик, сайёра, метроном, қаттиқ жисм, иссиқлик ўтказувчанлиги, килограмм, эритиш, куч моменти, динамометр, ҳажм” Диктант пайтида бажарган ақлий ҳаракатларингиз қандай?

## 2-жадвал

### “Физикавий диктант”

Физик ҳодисалар	Физик жисмлар	Физик хусусиятлар	Ўлчов бирлиги	Физик катталиклар	Физик асбоблар

Иккинчи босқичда қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш имкониятини берувчи, ўқувчиларнинг мустақил машғулот давомидаги ўқув-билув фаолиятини фаоллаштирувчи, физик билим ва кўникмаларни тўлиқ

Ўзлаштириш имкониятини яратувчи метод ва воситалар, такомиллаштирилган мазмунга асосланган амалий машғулотлар методикаси ишлаб чиқилди, жорий қилинди.

Тажрибанинг яқунловчи босқичида танлаб олинган технология, метод, воситалар ва такомиллаштирилган ўқув ахбороти мазмунига асосланган методиканинг самарадорлигини аниқлаш учун чиқиш ёзма иши қуйидаги вариантлар асосида ташкил этилди.

Тил қонунлари, нутқ жилвалари билан лингвистика шуғулланади. Физика тили жуда бой, унинг имкониятларидан ўринли фойдаланиш умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга катта хизмат қилиши мумкин. Турли физик катталиклар, қонунлар, бирликлар билан боғлиқ бошқотирмалар умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини сўзамолликка, топқирликка ва ҳозиржавобликка ўрганади. Бу тадбир ҳам, энг аввало, уларни мустақил ишлашга қўшимча билим олишга, физика фанининг ёзма ва оғзаки тил имкониятларидан фойдаланишга ундайди.

